УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 253 (5244)
6 НОЯБРЬ 1983 Й.
ЯКШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари учун социалистик мусобақа илғорларига 1983 йилги СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Советининг таклифларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ўн биринчи беш йиллик планларини тўла ва ошириб бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни таъминлаш, хом ашё, энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларни тежаш, ишлаб чиқарилдиган маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишда энг яхши натижаларга эришган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлардан катта бир группаси ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фан ва техника, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларни маъқуллади. Мамлакатимиз иқтисодий ва техникавий потенциалини мустаҳкамлашга, фан ва маданиятни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшаётган энг муҳим ютуқлар мукофотлар билан тақдирланади.

Давлат мукофотларини бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорлари матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида А. А. Громиконинг Англия парламенти аъзоси, Буюк Британиянинг собиқ бош министри Ж. Каллагэн билан бўлиб ўтган суҳбати тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда мамлакатнинг давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётига, Совет Иттифоқининг социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида пахта териш ва тайёрлашни кучайтириш вазифаларини муҳокама қилди. Республика область, шаҳар, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга, агросаноат бирлашмаларига пахта териш ва тайёрлаш суръатларини жадаллаштириш, уни сақлашни яхшилаш ва қайта ишлаш сифатини ошириш юзасидан барча резервларни ҳеч кечиктирмай ишга солиш, терим техникасидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қуритиш-тозалаш цехларининг кеча-ю кундуз ишлашини ташкил этиш, пахта етиштириш ва тайёрлаш соҳасида республика давлат плани билан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча мавжуд куч ва имкониятларни сафарбар қилиш топширилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришни таъминлаш чоралари кўриб чиқилди. Капитал қурилишга, ишлаб чиқариш ва социал-маиший объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

«Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини бажариш учун Темир йўллар министрлиги аппарати коммунистларининг ташаббускорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан министрлик партия комитетининг иши тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор асосида республика министрликлари ва идоралари партия комитетларининг иши кўриб чиқилди. Министрликлар ва идораларнинг партия комитетларига улар ишидаги мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди ҳамда партиянинг йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик иш савиясини ошириш, коммунистларнинг эътиборини тармоқни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига қаратиш таклиф этилди.

Янги ташкил этилган қўриқ Олтинсой, Бўзатов, Ғазли, Зарбдор, Меҳнатобод ва Толлимаржон районларида қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш юзасидан илгари қабул қилинган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилди. Республиканинг тегишли область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, министрликлари ва идоралари ана шу районларда капитал қурилишни ҳамда ишлаб чиқариш ва социал-маиший объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга, ижрони контроллик қилишни кучайтиришга доир конкрет топшириқларни олдилар.

Бюро республика партия-хўжалик активининг «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги резолюциясини тасдиқлади ҳамда ижро этиш учун тегишли партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга юборди. Ана шу партия-хўжалик активининг қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилиб, бажариш учун қабул қилинди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқиб, шу масалалар юзасидан зарур қарорлар қабул қилди.

Тошкентда тўхталди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев бошчилигида Вьетнам Социалистик Республикасига қилинган расмий дўстона визитдан кейин қайтиб келаётган Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси 4 ноябрь куни Тошкентда тўхтади. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Терешкова бор.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Ю. П. Максимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Раиси Н. М. Маҳмудова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Г. А. Алиев ва делегациянинг бошқа аъзолари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Ш. Р. Рашидов қабрига гуллар қўйдилар, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилдилар. (ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг вакиллари 5 ноябрь куни байрамона кайфият ва баланд руҳ билан Москвада, Кремлнинг Съездлар саройига йиғилдилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС шаҳар комитетининг Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари **Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. И. Воротников, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўринларидан туриб давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди ҳам президиумдан жой олади.

Залда чет эллик меҳмонлар, ажнабий дипломатлар бор.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. В. Романовни самимий кутиб олдилар. У «Октябрь ғоялари ва ишларининг буюк ҳаётий кучи» мавзуида доклад қилди.

(Докладнинг тўла тексти тонгги газеталарда эълон қилинган).

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари остида СССР Давлат гимни янграйди.

Шундан кейин байрам концерти қўйиб берилди.

КОММУНИСТ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ ҲАҚИДА ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИБ

— Семён Осипович, учрашувга вақт топа олармикинсиз?

— Буни ўйлаб кўриш керак, — жавоб беради телефон орқали С. Паршин. — Бугун округ офицерлар уйида партия ва меҳнат ветеранлари Советининг мажлиси бўлади. У ерга бормасам бўлмайди. Чунки мен шу Совет раисиман. Эртага Туркистон ҳарбий округи жангчилари билан учрашиш учун жўнаб кетмоқдаман. Буни ҳам олдиндан келишиб қўйган эдик. Якшанба куни — шаҳарнинг революцион жойлари бўйлаб саёҳат. Балким душанбада учрашармиз. Лекин олдин бир қўнғироқ қилиб қўйинг. Тағин ким билади дейсиз...

Бу суҳбатдан Семён Осипович куч-қувватга тўла, жуда банд киши деб ўйлаш мумкин. Ваҳоланки, у 84 ёшга кирган. Гарчи Семён Осипович шундай фаол экан, бу шунинг учунки, у тенгдошлари қатори революция алангасида тобланганлар авлодига мансубдир. Бу авлод кишилари юрак уриб турар экан, коммунист инсонларга хизмат қилиши лозим ва зарур, деб ҳисоблайдилар.

... Инсоннинг кўзларига қараб унинг характери тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин, дейишади. Семён Осиповичнинг кўзларидан саҳоват ёғилиб туради. Нигоҳидаги самимият кишини ўзига ром қилади-қўяди.

— Дарҳол суҳбатлаша олмаганлигимиз учун узр сўрайман, — дейди у. — Мен тошкентлик кекса коммунистлардан бири сифатида КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашувда иштирок этиш бахтига муяссар бўлган эдим. Шундай экан бу самимий суҳбат қандай ўтганлиги тўғрисида тошкентликларга ҳикоя қилиб беришим керак эди-да! Ўша учрашувда ҳамма нарса ҳаяжонли, жуда муҳим бўлди. Учрашувнинг ҳар бир қатнашчиси мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга боғлиқ муаммоларни, коммунистлар кекса гвардияси ҳаётий тажрибасидан фойдаланишни, уларнинг ғоявий эътиқодларини ёшларга ҳам сингдириш масалаларини муҳокама этишни ўзларига шахсан тааллуқли, деб ҳис этардилар.

... 17 ёшли Семён Паршиннинг Волгада сузадиган катта пароходнинг капитани бўлиш эзгу орзуси бор эди. У Самарада очилган денгиз пароходчилиги курсига ўқиш учун йўл олди. Лекин бу курслар очилмади ва у қачонлардир буюк рус дарёсида сузиш орзуси ушалиши умиди билан «Русь» пристанида ишлашга қолди. Бироқ, бу орзуси рўёбга чиқмади.

(Давоми 2-бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

Советлар диёрига яна катта ва қувончли байрам — Октябрь социалистик революциясининг ғалаба байрами келди. Октябрь байроғи остида, Коммунистик партия, улуғ Ленин кўрсатган йўлдан бораётганимизга олтмиш олти йил бўлди. Босиб ўтилган ҳар бир йил, бу белгиланган марраларни эгаллашда янги бир босқич, коммунистик бунёдкорлик йилномасига яна бир ёрқин саҳифа бўлиб ёзилади.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Октябрнинг бу галги санасини иқтисодий ва социал ривожланишнинг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда барча соҳаларда янгиянги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Республикада партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари ўртага қўйган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида илгари сурилган вазифалар қатъият ва собитқадамлик билан ҳал этилмоқда.

5 ноябрь куни Тошкентда Улуғ Октябрнинг 66 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашнинг бевосита қатнашчилари бўлган партия ветеранлари ,ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари байрамона безатилган В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройига келдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумдан жой оладилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси, деди докладчи мамлакатимиз халқлари тақдирида тарихий бурилиш ясади, бутун инсоният ривожининг боришини тубдан ўзгартириб юборди. Ривожланган социалистик жамият қурилганлиги — босиб ўтилган йўлнинг асосий якуни бўлди. Совет халқларининг бузилмас ленинча дўстлиги барча республикалар эришган муваффақиятларнинг мустаҳкам негизи бўлди. Буни Ўзбекистон ССР мисолида яққол кўриш мумкин.

Чор Россиясининг собиқ мустамлака чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистон экономикаси олтмиш олти йил мобайнида Европадаги ўз ривожланиши учун бир неча юз йил сарфлаган илғор давлатлар даражасига кўтарилди. Республика саноати бугунги кунда бутун чор Россиясида етиштирилганига қараганда 4,6 баравар кўп маҳсулот етказиб бермоқда. Ғирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди.

Баланд-парвоз сўзлар эмас, балки ишни яхши йўлга солиб юбориш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган талаб республика партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди, деб таъкидлади докладчи. Ҳамма жойда уюшқоқликни янада кучайтиришга, меҳнат, план, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда халқ хўжалиги меҳнатчиларининг 96 процентдан кўпроғи социалистик мусобақада қатнашмоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан ўн ойлик план ошириб бажарилди, қарийб 220 миллион сўмлик буюм қўшимча равишда реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми 4,6 процент ўсди, бу — план кўрсаткичидан ортиқдир. Халқ истеъмол моллларини ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга, сифат кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қўш орденли Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Саноат ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари жиҳатидан, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан план топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда, фан, маданият, шаҳар хўжалигининг ривожлантиришда каттагина ютуқларга эришилди. Яқинда ўзининг 2000 йиллигини нишонлаган Тошкент бугунги кунда социалистик интернационализм ғояларининг ёрқин мужассами, халқлар қардошлиги ва дўстлигининг рамзи бўлиб қолди. Мамлакат олдидаги катта хизматлари учун шаҳар Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Республика деҳқонлари астойдил ва қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Бу йил пилла, дон, мева ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотиш соҳасида белгиланган маррадан анча ўзиб кетилди. Чорвадорлар тобора кўпроқ маҳсулот етказиб бермоқдалар. Ўзбекистон пахтакорлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажара бориб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга олти миллион тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан белгиланган маррага эришиш учун табиат қийинчиликларига қарамай, қатъий кураш олиб бормоқдалар. Шу кунларда республика барча шаҳарлари ва посёлкаларидан келган ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчи ёшлар пахтазорларда деҳқонлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси инсониятнинг социал адолатсизликдан, зўравонлик ва урушдан холи бўлган жамият сари йўлдаги дастлабки қадами бўлди. Ҳозирги пайтда ўртоқ Ю. В. Андропов нинг 28 сентябрдаги Баёнотига, «Правда» газетаси саволларига унинг берган жавобларига бутун дунё аҳлининг эътибори жалб этилган. Жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатлар партиямиз ва ҳукуматимизнинг ядро уруши хавфининг олдини олишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга бўлган муддаосини чуқур ва ҳар томонлама акс эттиради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС билан Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатини астойдил маъқуллайдилар, ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети теварагида яна мустаҳкам жипслаштирадилар, Ленин ишига, улуғ Октябрь ишига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар.

(ЎзТАГ).

ИЛЬИЧ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги арафасида Тошкентнинг В. И. Ленин майдонидаги Ильич ҳайкали пойига қўйилган гуллар Октябрь ишига, Коммунистик партияга чексиз садоқат, Ленин музаффар байроғини баланд кўтариб боришга шайлик рамзи бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи, Ҳарбий Кенгаши, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан, меҳнаткашлар коллективлари номидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети тақдимномасини кўриб чиқиб, қарор қилдилар:

1983 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. Акбар Қосимович ОТАХЎЖАЕВга, Қодир Ғофурович ҒУЛОМОВга, Мирзаюсуф Мирзамаҳмудович МУСАХОНОВга, Леонард СОБИРОВга, Иммануил Лазаревич ФАБЕЛИНСКИЙга, Гилел Мордухович ЧЕРНОВга, Анвар Ортиқович ИҲЛДОШЕВга, Беҳзод Содиқович ИҲЛДОШЕВга — лептон ва адронларнинг атом ядролари билан ўзаро таъсири ҳамда модда билан оптик нурланиши физикасига доир фундаментал тадқиқотларқа бағишланган ишлар туркуми учун.

2. Очилбой АБДУҚОДИРОВга (иш раҳбари), **Виктор Александрович АНТОНОВга, Алексей Логинович АТЛАНОВга, Лев Алексеевич ГРАЧЕВга, Николай Иванович КАРНАУХОВга, Николай Денисович ЛАПШИНга,** марҳум **Прокопий ЛИга, Шомил Фатихович МИФТАХОВга** — КУ—0,2 универсал ўрим комбайнини тадқиқ этганликлари, яратганликлари ва жорий этганликлари, каноп ишлаб чиқариш янги технологиясини ишлаб чиққанликлари учун.

3. Турсунбой РАШИДОВга (иш раҳбари), **Абдураҳмон Осимович ЭШОНХЎЖАЕВга, Ботиржон МАРДОНОВга, Ёрмуҳаммад Нурупович МУБОРАКОВга, Валентина Алексеевна ОМЕЛЬЯНЕНКОга, Ғойибназар Ходиевич ХОЖИМЕТОВга** — ер ости иншоотлари сейсмодинамик назариясини яратиш ва жорий этиш борасидаги ишлари туркуми учун.

4. Ўктам Орипович ОРИПОВга (иш раҳбари), **Дмитрий Львович АРУСТАМОВга, Галина Абрамовна БАРСКАЯга, Николай Петрович ПАКка, Рэм Викторович ПЕТРОВга, Қосим Ғандалифович ҲРАЗМЕТОВга, Раҳим Мусаевич ҲАИТОВга, Сайдулла Неъматуллаевич ҲИКМАТУЛЛАЕВга** — сурункали буйрак етишмовчилигини даволаш янги методларини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

5. Марат Коптлеунч НУРМУҲАМЕДОВга (иш раҳбари), **Султонмурот ОЛЛОЁРОВга, Қирқбой БОЙНИЕЗОВга, Саригул БАҲОДИРОВАга, Турдибой МАМБЕТНИЕЗОВга, Абдрейм НАСРУЛЛАЕВга, Соғинбой НИЯТУЛЛАЕВга, Павел Сергеевич ЎЛЬЯШОВга** — қорақалпоқ совет адабиёти тарихи учун.

1. ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Қўш орденли Тошкент аҳолисининг яхши удуми бор — улар ҳар бир байрамни меҳнат тўёналари билан хутиб олишади. Уларнинг кўпчилиги бугун, Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги арафасида Ильич васиятларига садоқат намуналарини кўрсатиб, зўр илҳом билан, аъло даражада меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ўн биринчи беш йиллик учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Пландан ташқари ўнларча «зангори кема»лар, тракторлар республика пахта майдонларига юборилиптн, мингдаб метр газламалар тўқимачиларнинг тўқув дастгоҳларидан тушириб олиняпти, янги уй-жой массивлари кўкка бўй чўзяпти. Ана шундай массивлардан бирида, «Дўстлик» комплексида москвалик бунёдкорлар китоб магазини қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар. Бундай хайрли анъана 1966 йилнинг суронли кунларидан бери — яъни бутун мамлакат зилзилладан вайрон бўлган республика пойтахтига ёрдам қўлини чўзгандан бери давом этиб келяпти.

Бугунги кунда Тошкентни ҳақли равишда тинчлик ва дўстлик шаҳри деб атайдилар. Кўплаб меҳмонларимиз Совет ҳокимияти йилларида юз берган беқиёс ўзгаришларни яна ва яна бир бор таъкидламоқдалар. Ленин декретларидан бошланган меҳнат ва бунёдкорлик йиллари ичида Тошкент беқиёс даражада ўзгариб кетди. Биз шаҳримиз билан фахрланамиз ва уни янада файзли ҳамда гўзал қиламиз.

М. Нуриддинов ва ЎзТАГ фотолари.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА-

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИБ

(Давоми. Бошы 1-бетда).

Революцион воқеалар бошланиб кетди. У 1917 йил июлида Сизранга қайтиб келиб, мактабдош дўсти Фёдор Ткачевни учратди. У бу пайтда Сизрань большевиклар комитети бюросининг аъзоси эди.

— Ахир сен бизнинг қарашларимизга қўшилмайсанми? Биз, большевиклар ва ўз отанг курашаётган буюк мақсад сен учун бегонами?— рўй-рост сўради у Сёмендан. — Қарашларинг бизникига мос экан, нима учун янги ҳаёт учун курашмайсан? Сен бир қарагин, ҳатто Еромасов ҳам коммунист бўлди ва бутун бойликларини халққа бермоқда. Чунки у эртанги кун оддий кишиларники эканлигини, улар тарих тақдирини ҳал қилишларини тушуниб етди.

Фёдор Ткачев ва яна бир мактабдош ўртоғи Александр Сисуев Паршинга РСДРП сафига қабул қилиш учун тавсиянома бердилар. У тез орада партия сафига қабул қилиниб, дарҳол РСДРП комитетининг пропаганда бўйича инспектори қилиб тайинланди. Семён Ткачев билан биргаликда комитет ишлари бўйича Самарага бориб Куйбишев қабулида бўлди.

— Мен Фёдор Ткачевдек ажойиб революционер билан дўст бўлиш бахтига муяссар бўлганман,— дейди Семён Осипович. — Брест сулҳи тақдири ҳал қилинаётган пайтда у партиянинг VII фавқулодда съезди делегати бўлган эди. У Самара, Саратов, Симбирск ва Сизрань партия ташкилотларидан ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегат эди. Мен ундан кўп нарсани, энг муҳими, совет ҳокимияти учун курашда қатъиятли бўлишни ўргандим.

Семён Осипович Мандельбаумнинг интернационал отрядида жанг қилганлигини, Слеповнинг биринчи отлиқ отряди комиссари бўлганлигини, оқ гвардиячиларнинг орқа томонларига разведкага борганлигини, Пенза дивизияси разведкасининг бошлиғи сифатида Колчак томонидан Уфадаги Самара таъсис мажлисини тор-мор қилинганлиги тўғрисидаги маълумот учун республика дала штабининг раҳматномасини олганлигини ёдга олади.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз тарихининг саҳифаларидир. Айни пайтда буларнинг ҳаммаси улкан, революцион воқеаларга бой ҳаётни бошидан кечирган бир инсон умрининг лавҳаларидир.

Семён Осипович Тошкентга 20-йилларнинг бошларида биринчи армия штаби билан биргаликда келди. У Бухоро амирига қарши жангларда иштирок этди.

— Биз қишлоқ аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борар эдик, —деб ҳикоясини давом эттиради С. Паршин.— Ўша пайтда мени ўзбеклар Ленин сиймосини жуда яхши билганликлари ҳайратлантирган эди. Тўғри, унинг суратини кўрган кўпчилик қувончдан тўлқинланиб кетса, айрим шахслар ғазабдан муштумини қисардилар. Аммо бундай кимсалар жуда озчиликни ташкил қиларди. Миллий масала жуда тўғри ҳал қилинганлиги пролетариат доҳийсининг шундай машҳур бўлиб кетишига ҳам сабаб бўлган.

Семён Осипович шарқшунослик ҳарбий мактабини, Ўрта Осиё коммунистик университети аспирантурасини, қизил профессорлар институтини тугаллади. У профессорлик лавозимида тўқимачилик институти, ТИИИМСХ марксизм-ленинизм кафедраларига раҳбарлик қилди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан Семён Осипович ҳарбий комиссариатга йўл олади. Ахир у гражданлар урушида катта тажриба орттирган собиқ қизил гвардиячи эмасми? Аммо врачларнинг қарори қатъий: «Сиз, ўртоқ профессор, фронт учун ярамайсиз, чунки бошингиздан жароҳатлангансиз». У бу жароҳатни гражданлар урушида, оқ чехлар билан жангларда олган эди.

Семён Осипович ўз студентларини фронтга ота фарзандларини кузатгандек, жангларда мардликка даъват этиб кузатарди. Ўзи эса тиним билмай ишларди. Институтдан Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград артиллерия академиясига, ҳарбий госпиталга лекция ўқиш учун шошиларди.

Партия ветерани, олим, камтарона, ҳозирги даврга нисбатан эса жуда ҳам камтарона турмуш кечиради. Чунки у ўзининг 45 йиллик илмий-педагогик фаолияти мобайнида ҳеч қачон ўз олдига бойлик орттириш мақсадини қўйган эмас. У фақат партияга ва революция ишига садоқат билан хизмат қилишни билади. Унинг бойликлари кўпдан кўп китобларидир. Улар коммунист маънавий бойлигини доимо кўпайтириб боради. Унинг бойлиги беҳисоб шогирдларидир. Ҳозир улар республика халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Унинг бойликлари фарзандларидир. Катта ўғли Александр —агроном, Улуғ Ватан уруши даврида Сталинград остоналарида жанг қилган. Кенжаси Владимир эса рассом, Тошкент театр ва рассомчилик институти кафедрасининг мудиридир. Владимирнинг ўғли, Семён Осиповичнинг невараси ҳам рассомликни танлаган. Ҳозир у Суриков номидаги рассомчилик академиясида ишлайди. Революция йилларида характери ва дунёқараши шаклланган кишининг фарзандлари ҳам истеъдодлидир.

Семён Осиповичнинг кўпгина ҳужжатлари мамлакатнинг тарихий музейларида — Ленинград, Сизрань, Самара музейларида сақланмоқда. Улар келгуси авлод учун бебаҳо қимматга эгадир. Ветеран ҳозир В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиалида илмий ишини давом эттирмоқда. У ўзини катта жамоат ишисиз, инсонларсиз тасаввур эта олмайди.

В. ЛАПИНА.

• УЙ МУБОРАК

ҚАВАТЛАРДА ШОДИЁНА

БАЙРАМ РЕПОРТАЖИ

Республикамиз пойтахти гуллаб-яшнамоқда. Шаҳар харитасида янги микрорайонлар, боғлар, магазинлар, маданият саройлари, кинотеатрлар пайдо бўляпти. Ҳар йили мингларб тошкентлик онлалар замонавий уйларда уй тўйлари ўтказяптилар. Бундан 15—20 йил илгари Тошкентда бўлган киши шаҳарни танийолмаслиги турган гап. Кун сайин гуллаб-яшнаб, кўкка бўй чўзиб бораётган шаҳримиз—унинг аҳолиси ва меҳмонларининг кўзини қувонтирмоқда.

Халқлар дўстлиги майдони. Мармар тошлар билан жилоланган бу майдон совет кишиларининг абадий қардошлиги тимсолидир. Тўққиз қаватли муҳташам уйлар майдонга савлат тўкиб турибди. Тошкентнинг бу энг чиройли майдонига Большевик кўчаси туташган. Аммо қурилиш ишлари кетаётган ҳозирги дамда мазкур кўчани ажратиш анча қийин. Бу кўчада Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги арафасида 2-уйсозлик комбинатининг бунёдкорлари 108 квартирали «5—1» уйни фойдаланишга топширдилар. Уй йўлакларида одатдагидек шодлик, хуррамлик. Квартира эгалари машиналардан ўз кўчкўронларини туширишяпти.

Улардан бири билан танишдик. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Маъсуда Мавлонова,— дея таништирди ўзини:

— Шу кунгача турмуш ўртоғим ва икки фарзандимиз билан ота-онамизникида яшаётган эдик. Жой тор эди. Мана бугун янги уйнинг еттинчи қаватидан уч хонали уй олдик. Хурсандчилигимиздан ўзимизни еттинчи қаватда эмас, еттинчи осмонда ҳис этяпмиз.

Байрам арафасида биринчи ва иккинчи квартираларда шодлик кетига шодлик уланиб кетди. Катта, аҳил Усмоновлар оиласининг тўнғич фарзанди Совет армияси сафидан хизмат бурчини ўтаб қайтди.

— Оиламиз ўн кишидан иборат,— дейди саккиз боланинг онаси Турсуной опа. — Бу уйдан, бир жойдан бизга иккита квартира — битта икки хонали ва битта тўрт хонали квартира беришди. Мана икки йил кутган шодлик кунимиз келди. Улуғ Октябрь байрами шодиёналарига бизнинг хурсандчилигимиз уланиб кетди. Бир умр меҳнат қилиб келаман. Мен 8-шаҳар аэрофлот агентлигида, эрим эса милиция органида ишлайди. Биз ва бизнинг болаларимиз бахтиёрдир.

...Большевик кўчаси —ҳозир бу ерда уй тўйлари ўтказиляпти.

Ўзбекистонда совет ҳукуматини ўрнатиш учун жон фидо этган кишилар номига қўйилган бу кўчада социализм бунёдкорларининг авлодлари замонимизнинг улкан ютуқларини кўриб қувонмоқдалар.

Янги уйнинг қаватлари — бу бизнинг мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаётган, кўкка бўй чўзаётган қаватларидир.

С. ЕЖКОВ.

• ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

МЕТРОСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Тошкент метросининг иккинчи линияси биринчи участкаси қурилиши... Бу ерда ҳамиша иш қизғин. Айниқса байрамолди кунлари ер остида меҳнат симфонияси янада баралла янгради. Тошкентлик метросозлар доимо зарбдорларча меҳнат қилишга одатланиб қолганлар. Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турган метросозлар Тошкент метрополитенининг иккинчи линияси биринчи участкасини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида ишга тушириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Уларнинг мақсади битта: янги линияни муддатидан бир йилу уч ой илгари ишга туширишдир.

Тошкент метросининг келажаги порлоқ. Бу ҳақда «Ташметропроект» институтининг директори М. ХОЛМУРОДОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Тошкент метроси бугунги кунга келиб тошкентликларнинг энг севимли транспорт воситасига айланиб қолди. 1977 йилнинг 6 ноябригача ер ости поездлари хизматидан фойдаланиш фақат орзу эди холос. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида бу орзу рўёбга чиқди. Мана шундан буён «яшил экспресс»лар тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари хизматида. Айни пайтда метронинг навбатдаги участкалари қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Биз эса Тошкент метросининг келажаги тўғрисида бош қотиряпмиз. Тошкент метроси жаҳонда ўттиз олтинчи, СССРда еттинчи, Шарқда эса биринчи метрополитендир. Унинг қурилиши мураккаб бўлган ер ости шароитларида олиб бориляпти. Чунки Тошкент шаҳрида метро қурилишида биз беш нарсани ҳисобга олганмиз. Биринчидан — ернинг чўкиш хусусияти, иккинчидан — сейсмик масала, учинчидан — ер ости сувларининг юқори юзаси, тўртинчидан — иссиқ иқлим (станцияларда намлик ташкил этиш керак) ва ниҳоят бешинчидан — иссиқ иқлимимиздаги чангнинг юқори миқдорини йўқотишдан иборат. Метро станциялари эса трассанинг геологияси, гидрогеологияси пухта ўрганилгач, пассажирлар оқими кўп тарқалиб ган жойларга қараб белгиланмоқда.

Биринчи участка ишга тушгач, иккинчи участка давом эттирилади. Сўнгра Тошкент метросини аҳоли зич жойлашган Қорақамиш массивига қараб давом эттириш кўзда тутилган. Келгусида эса Тошкент метроси Юнусобод ва Сергели массивларигача боради. Хуллас, Тошкент метроси яқин ўн йил, ўн беш йил ичида «Ж» ҳарфи шаклига эга бўлади. Ана ундан кейин эса унинг атрофини ҳалқасимон қилиб айлантириш мумкин.

Т. ТОШЕВ.

Тошкент метросининг янги линияси тўғрисида «Ташметрострой» трестининг бош инженери Владимир Федорович ГОРБУНОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Иккинчи линиянинг биринчи участкасида лахм қазиш ишлари бутунлай тугатилди. Ҳозирда узунлиги 5,6 километр бўлган янги линиянинг бешта станциясида пардоз ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти. Бу линия «Навоий», «Ўзбекистон», Космонавтлар проспекти, «Ойбек» ва «Тошкент» станцияларидан иборат.

Коллективимиз иш суръатини бир зум ҳам сусайтирмай, яхши натижаларга эришяпти. Бош пудрат ишлари планини 103,6 процентга уддаладик. Қўлга киритаётган ютуқларимиз муносиб тақдирланмоқда. Яқинда СССР транспорт қурилиши министрлиги ва темирйўл ходимлари касаба союзлари марказий комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдик.

Ҳа, метро станцияларини айланар эканмиз, бош инженернинг сўзи нечоғлик тўғри эканлигини ҳис этдик. Беш станцияда пардоз ишлари юксак даражада амалга оширилмоқда. Метронинг ҳар бир станцияси ўзига хос бўлиб, метросозликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этиляпти. Мана, биргина Навоий станциясини олайлик. Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий номи билан аталувчи бу бекат Тошкент метросининг энг гўзал станцияларидан бири бўлади. Архитекторлар Р. Файзуллаев, А. Табибов, Я. Мансуров, И. Музаффаровалар «Навоий» станциясининг ички безагига алоҳида эътибор берганлар. Станциянинг деворларига Навоийнинг «Хамса»сидан тасвирлар туширилади, вестибюлда Навоийга бюст ўрнатилади. Бекатнинг шифти гумбазсимон бўлиб, асосан керамика билан ишланади. Станциянинг устунлари Нурота мармаридан, деворлари эса Ғозғон мармаридан ишланади. Шуниси характерлики, Навоий номли станция Навоий кўчасидаги Навоий ҳайкали турган шонрлар хиёбони ёнида бунёд этиляпти. Бу ер ости бекатнинг ер усти хиёбонига нақадар ҳамоҳанг эканлигини кўрсатади.

2. ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Республика пойтахти эришаётган зафарларга Октябрь революцияси шарафига номи қўйилган район меҳнаткашларининг қўшаётган улуши айниқса муносибдир. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Бу корхоналар Тошкент экономикаси юксалишига муносиб улуш қўшмоқда. Шулар орасида «Малика» трикотаж, «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмалари, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар бор. Бу корхоналарнинг ишчилари Совет ҳокимиятининг 66 йиллиги шарафига пландан ташқари ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар, қурувчилар ана шу шонли санага ўзининг архитектураси ва жиҳозланиши бўйича бир қанча нодир уйларни фойдаланишга топширдилар.

Шундай қилиб, пойтахтнинг биргина Октябрь районни мисолида ленинча ғояларнинг ҳаётга жорий этилаётганлигининг, ҳаётимиз тобора фаровонлашиб, иқтисодий, сиёсий ва маданий юксалишда катта зафарларга эришилаётганлигининг ёрқин гувоҳи бўламиз.

М. Нуриддинов ва В. Сироткин фотолари.





СУРАТЛАРДА: метронинг иккинчи линияси биринчи участкасидаги «Ойбек» станцияси қурилишида меҳнат қилаётган учинчи участка бошлиғи Сергей Камишов (чапда) ва комплекслашган бригада бошлиғи Иван Лисий навбатдаги вазифа хусусида суҳбатлашмоқда; бунёд этилаётган «Навоий» станциясининг умумий кўриниши.

А. Жданов ва Х. Мирзакаримов фотолари.

• ИШЧИНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Ёруғ юз билан

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр 66 йиллигига Чақириқларида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга даъват этилган. Комбинатимиз коллективи бу даъватни жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Ҳар бир тўқувчи айниқса байрам арафасида ғайрат билан меҳнат қилди.

2-йигирув-тўқув фабрикаси коллективи учинчи квартал топшириқларини ортиғи билан адо этди. Йигирув ишлаб чиқариш бўйича топшириқ 105,1 процент, тўқув ишлаб чиқариш бўйича 101,9 процент адо этилди. Бу партия ташкилоти, корхонанинг бутун коллективи резервлардан фойдаланишни яхшилаш, шуниндек ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ жорий этилаётган янги техника имкониятларидан самарали фойдаланиши натижасидир.

Масалан, урчуқсиз пневмомеханик йигирув машиналари ва мокисиз пневморапирли тўқув станоклари жуда самарали бўлди. Биз бу техникалар самарали ишлашини таъминлаш учун барча ишларни қиляпмиз.

Ип-газлама буюмларига бўлган аҳолининг талаби йилдан-йилга ўсмоқда. Коллективимиз газламалар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Кўйлак ва костюмга мўлжалланган «Зулфия», «Астра» газламаларимиз яхши баҳо олди.

Материалларимизнинг гуллари ҳам янгиланиб боряпти. Фақат шу йилнинг ўзида 90 та янги гул жорий этилди. Мутахассисларимиз бу борадаги ижодий изланишларини кучайтиришяпти.

Бизнинг ҳаммамиз партия ва ҳукуматимизнинг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш борасидаги планларини ҳаётга тезроқ тадбиқ этилишини, бу ишга муносиб ҳисса қўшишни истаймиз.

Шахсан менинг ўзим Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини яхши кайфият ва кўтаринки руҳ билан кутиб оляпман. Йил бошидаги жадал суръатни ҳамон сусайтирганим йўқ. Яқинда меҳнат календаримда 1986 йилнинг июнь ойи бошланди. Комбинатдаги юзлаб ва минглаб ҳамкасбларим ҳам мен сингари унумли ва сифатли меҳнат қилиб, Улуғ Октябрнинг шонли байрамини муносиб туҳфалар билан кутиб олишди.

Е. ГУБИНА,
Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати.

Бу—бизнинг Октябрь райони

Тошкентнинг ҳар бир районининг ўзига хос қиёфаси, такрорланмас жозибаси бор. Октябрь райони 1929 йилда ташкил этилган районлардан биридир. Бу ердан машҳур Самарқанд дарбоза кўчаси ўтган. Бундан 500 йил муқаддам бунёд этилган Шарқ меъморчилигининг ёрқин намунаси Кўкалдош мадрасаси, Юнусхон ва Шайх Зайнутдин мақбаралари ҳамон диққатни жалб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда бу районда қадимий ва замонавий бинолар бир-бири билан омухталашиб, муштараклашиб кетганки, шаҳримизни биринчи марта зиёрат қилган киши аввало даврлар архитектура услубининг бир-бири билан ўрнили ҳамоҳанг бўлиб кетганлигини кўришга ошиқади.

Лекин биз бугунги кунининг жўшқин нафаси билан яшаб турибмиз. Шу кунларда Октябрь райони кўзга байрамона ташланмоқда, у ой сайин обод бўлмоқда, кун сайин чиройи очилмоқда. Районнинг кишилари ҳам ўзгариб бормоқда.

Қадим замонларда бу район ўзининг ҳунармандлари, савдо расталари ва бошқа юмушлари билан машҳур бўлган. Кенг проспектлар ва майдонлар, кўм-кўк хиёбонлар ва фавворалар, қатор олий ўқув юртлари ва техникумлари ёнидан ўтиб борар эканман, шундай деб ўйлайман: меҳнаткашлар депутатлари, район Советининг депутатлари, Октябрь районининг қиёфасини ўзгартиришда жуда кўп ишларни бажаришди.

Бу борада Октябрь райижрокоми аппарати ва бошқа идоралар жуда кўп ишларни амалга оширишди. Бу иш қанчалик мураккаб, машаққатли, ранг-баранг бўлмасин райижроком ўзининг яқин ёрдамчилари — район Советининг депутатларига суянмасдан иш кўролмайди.

Бизнинг ҳикоямиз биринчи группа депутатлари иши ҳақидадир. Бу группа 17 кишидан иборат. Уларнинг барчасини жамоатчи ташкилотлар, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари сайлашган. Территориал группа «Марказ—15», «Марказ—13», «Марказ — 12» уй-жой кварталларида, «Баҳор», «Известия», «Саноат», «Фаол» ва бошқа маҳаллаларда иш олиб боради.

Маълумки, районда жойлашган «Главсредазирсовхозстрой», қатор йирик министрликлар ўзининг лойиҳа ташкилотлари, ўқув юртлари билан, «Малика» бирлашмаси, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа объектлар халқ хизматкорларининг диққат марказида турибди.

Ҳар бир депутат ўзига бириктирилган территорияни яхши билиши ҳар бир ишни муваффақиятли ва тез ҳал этиш имконини бермоқда.

Шундай қилиб, биз ёшларнинг ўқиши ва ишлашини кузатиб борямиз. Ҳар бир ёш диққат эътиборимизда турибди. Жамоатчи тарбиячилар билан муносабатни яхшилаяпмиз. Балоғат ёшига етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича комиссия ва инспекциянинг ҳамкорлиги туфайли 39 ўсмир ишга, 13 таси мактаб-интернатга жойлаштирилди. Ҳозирда саноат корхоналари ва уй-жой бинолорини кеч куз ва қиш шароитида муваффақиятли ишлашга тайёргарлик олиб борилмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, бирор жойда камчилик, машаққат, мураккаб масалалар пайдо бўлиб қолса, депутат ёрдамга етиб боради. Бизнинг депутатлар группамиз ҳар ойнинг иккинчи шанба ва ҳар пайшанба куни гражданларнинг жамоат қабулини ўтказади. Сайловчилар билан тез-тез кўчма йиғилишлар ўтказиб турамиз, уларда ўз ишларимиз тўғрисида, хўжалик ва социал маданий қурилиш планларининг бажарилиши, район Советининг қарорлари ва сайловчилар наказларни бажарилиши тўғрисида ахборотлар берамиз.

Халқ депутатлари Октябрь район Советининг биринчи депутатлар группаси аъзолари Н. Ставцев, Г. Ергашев, М. Шораҳимов ва бошқалар группанинг актив аъзолари ҳисобланади.

Уларнинг ғайрат ва шижоати туфайли сайловчиларнинг кўпгина наказлари муддатидан олдин бажарилмоқда.

Район аҳолиси ва меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини юксак жамоат активлиги, янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олмоқдалар. Районнинг шон-шуҳратини эъзозлаб ўтказилаётган социалистик мусобақада улар пешқадамлик қилишмоқда.

Олдимизда талай юмушлар, режалар, фикрлар турибди. Мақсадимиз, вазифамиз— биз — халқ хизматкорлари халқ депутатлари билан елкама-елка туриб олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришдан иборат. Чунки бу бизнинг Октябрь райони, унинг улуғ ва муборак номи олдимизга қатор шарафли вазифаларни қўймоқда.

Ҳамид АБДУРАИМОВ,
«Ташинжстрой» трести 6-монтаж бошқармасининг машинисти, Октябрь район Совети депутати.

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Эгамназаров, А. Хатамов, А. Абдураззоқов лар Тошкент ва Жиззах областларидан хабар қиладилар:

• *ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА*

38. УШАЛГАН ОРЗУЛАР

«Матбуот маркази»миз машинаси Тошкент областининг Бекобод райони маркази— Зафар посёлкасига кириб бораётганида йўл устида кўринарли қилиб ёзилган қуйидаги ёзувга кўзимиз тушди: «В. И. Ленин васиятлари амалга ошди. Далварзин чўли коммунизмга хизмат қилмоқда». Бу сўзлар унутилмас 1918 йилни ёдимизга солди. Ушанда гражданлар уруши қизғин давом этаётган, Улуғ Октябрь революцияси ғалабалари қил устида турган, мамлакатда вайронгарчилик, очарчилик ҳукм сурган бир пайтда улуғ доҳийимиз В. И. Ленин Туркистондаги Далварзин ва Мирзачўл ерларини суғориш учун 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги тарихий декретга имзо чекди.

Аммо бу катта режани амалга ошириш йилларни талаб этди. Туркистондаги иккита буюк чўлни ям-яшил воҳага айлантириш ишига коммунистик партия сафида тарбиялланган, умрини халқ хизматига тиккан ажойиб кишилар бош-қош бўлдилар. Мана, бугунги кунда биз — Улуғ Октябрни амалга оширган, мамлакатда синфий душманни йўқ қилиб, янги тузум пойдеворини қурган катта авлоднинг ўғил ва қизлари, набиралари доҳий режалари тўлатўкис амалга ошганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Унинг донолигига, узоқни кўра билганлигига тан бермоқдамиз.

Далварзин чўлида 35 минг гектар майдон, Мирзачўлда 500 минг гектардан ортиқ майдон ям-яшил экинзорлар, боғ-роғларга айланди. Бу ерларда етиштирилаётган 1 миллион тоннага яқин «оқ олтин», 500 минг тоннага яқин мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари халқнинг фаровонлигини оширишга, турмуши ширин, дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилмоқда.

Мирзачўлнинг қуйи этакларида — Қизилқумга туташ бўлган ерларда ташкил этилган янги районлардан бири Октябрь номи билан аталди. Бу район меҳнаткашлари бу йил 17 минг гектардан ортиқ майдонга пахта эккан. Ҳар гектардан 25 центнердан, жами эса 43 минг тонна «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Чўлқуварлар дастлабки кунларданоқ теримни уюшқоқлик билан бошлашди. Икки марта республика кўчма Қизил байроғини, икки марта область кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди. Ҳозир ҳам суръатни сусайтирмай Жиззах областидаги районлар орасида пахта тайёрлашда пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Далаларда ҳосил камайиб қолганига қарамасдан ҳар куни бир процентдан ортиқ пахта тайёрланяпти. Йиллик пахта тайёрлаш плани эса 80 процентдан ошди.

Октябрь райони деҳқонларига анча йиллардан бери Тошкентдаги Октябрь революцияси маркази — Ленин райони меҳнаткашлари самаралиоталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. Шаҳарликларнинг кўмаги фақат пахтачилик билан чекланмайди. Улар совхоз посёлкаларини ободонлаштир и ш д а, аҳолининг турмуш маданиятини оширишда беминнат ёрдам кўрсатишяпти.

Ҳар йилги пахта йиғим-терими мавсумида эса Ленин районликлар алоҳида шижоат кўрсатишлари анъанага айланган. Бу йил ҳам худди шундай бўляпти. Райондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунартехника билим юртларининг 10 мингдан ортиқ студент ва ўқувчилари октябрь ойи бошида чўлқувар дўстларига ёрдамга етиб келишди. Шундан бери шу ерда мардона меҳнат қилишяпти. Ўқув юртларидаги партия ташкилотларнинг асосий ядросини ташкил этган коммунистлар йиғим-теримни намунали ташкил этишда бутун куч ва маҳоратларини сарф этишяпти. Барча коллективларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг баёноти, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати кенг муҳокама қилинди. Юзлаб пешқадам теримчилар Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги ва комсомолнинг 65 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Байрам арафасидаги теримда айниқса фармацевтика институти, медицина билим юрти, темир йўл транспорти инженерлари институти студентлари яхши ишлаб кўрсаткичларга эришдилар. Фармацевтика институтининг Охунбобоев номли совхозида меҳнат қилаётган 1400 га яқин студенти 16 бригадага бўлинган. Бу бригадаларда шу кунларда тез ва тоза териш бўйича мусобақа қизиб кетмоқда. Студентлар меҳнат қилаётган пайкалларга борсангиз, ҳар бир эгат бошига қайси студент ишлаётганлиги ёзилган қоғозга кўзингиз тушади. Институт штабидан белгиланган назоратчилар мунтазам карталарни айланишади ва ҳар бир эгатнинг қай даражада тоза терилганлигига қараб, студентнинг меҳнатига баҳо беришади. Шундай қилиб пайкалларда бир грамм ҳам пахтанинг нобуд бўлмаслигига эришляпти. Студентлар И. Баратова, З. Йўлдошева, Г. Рустамов, А. Рамазонова, З. Норхолова тез ва тоза теришда дўстларига намуна бўлишяпти. Бу ёшларнинг шу кунгача уйган хирмони 1,5—2 тоннадан ортиб кетди.

Бригадалар ва звенолар ўртасидаги мусобақага ҳар беш кунда якун ясаляпти. Илғорлар совхоз маъмуриятн томонидан рағбатлантирилмоқда.

Ёшлар далалардаги меҳнаткаш билан мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ошишига, бу демак, дунёда тинчликнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшаётганликларини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам кундан-кунга қўларинки руҳ билан ишлаб, яхши меҳнат натижаларини қўлга киритишяпти.

* * *

Тошкент чет тиллар педагогика институти студентлари Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоз пахтазорларида меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: институт немис тили факультети декани, доцент Маҳмуд Аъзамов факультетнинг илғор теримчи қизлари билан суҳбатлашмоқда.

Т. Каримов фотоси.





З. ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

В. И. Ленин номи билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси боғланган. Бу революция барча миллат ва элатлар ҳур ва эркин ривожланишининг мустаҳкам пойдеворини қўйган. Республика пойтахтидаги кўпгина жойлар унинг ҳар бир аҳолиси қалбига жуда ҳам яқин бўлган улуғ доҳий номи билан боғлангандир. Бу В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали, пойтахтдаги университет, шаҳарнинг бош майдонидир. Совет ҳокимияти йилларида фан, маданият, таълим соҳасида беқиёс ўзгаришлар юз берди. Тошкентда кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ишлаб турибди, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ўнларча минг мутахассисларни етиштирмоқда. Оқшомлари театр ва концерт заллари эшиклари кенг очилади. Бундан 66 йил муқаддам бунёд этилган кўп миллатли Совет давлати барча халқлар ва элатларнинг меҳнаткашлари учун маънавий бойликлар сари кенг йўл очиб берди.

ЎзТАГ фотолари.

• *Газетанинг шу сонига мактуб*

Расул ГАМЗАТОВ:

«СИЗ ҲАМИША БИЗ БИЛАН БИРГАСИЗ, ШАРОФ РАШИДОВИЧ!»

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Совети депутати, машҳур совет шоири Расул Гамзатов «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига қуйидаги хат билан мурожаат қилди:

«...6 ноябрь. Нурафшон Октябрь байрами арафасидаги бу кунни биз революция тенгдоши, таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг туғилган куни сифатида ҳам биламиз.

Бу кунда, биз — унинг кўплаб дўстлари, ўлмас таланти шайдолари қаерда бўлмайлик, ҳамиша ўзимизни хаёлан Тошкентда, дўстлик ва қардошлик шаҳрида бўлгандек, етук интернационалист-ленинчи Шароф Рашидович Рашидовнинг истеъдоди камол топган, совет халқи фаровонлиги йўлидаги толмас фаолияти давом этган шаҳарда юргандек ҳис этамиз.

Бизнинг софдил дўстимиз, барча совет кишиларининг меҳрибон биродари биз фақат хат ва телеграммалар йўллаб туриш билангина эмас, бутун юрагимиз, бутун қалбимиз билан сиз билан бирга эдик.

Бугун биз ҳаммамиз, совет кишилари партия ва давлатимизнинг таниқли арбоби, улкан ва доно совет ёзувчиси, сизнинг олдингизда, сизнинг хотирангиз олдида бош эгамиз. Оддий кишиларнинг сизга, ўзбек халқининг ажойиб фарзандига бўлган муҳаббати чексиз-чегарасиз ва беқиёсдир.

Мен Шароф Рашидович Рашидовнинг истеъдоди, ажойиб инсоний фазилатларидан бахраманд дўст сифатида бу беназир инсон ҳақида энг эзгу ва самимий сўзларимни айтмасдан туролмайман. Бугун у олтмиш олтига тўлган бўларди. У бу ёшга етиб бир неча кунгина етиб келолмади. Аммо Шароф Рашидовичнинг номи, унинг совет кишилари фаровонлиги йўлидаги серқирра фаолияти, ўлмас ижоди ҳамиша қалбларимизда яшайди.

Хотира қўёш зиёси каби лаҳзалик ва узоқ учрашув соатларини ҳамиша нурлантириб туради. Бизнинг биринчи учрашувимиз бир неча йил муқаддам, Шароф Рашидов Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотига раҳбарлик қилган йилларда бўлган эди.

Бу учрашув Москвада, бизнинг кўп миллатли улуғ давлатимиз пойтахтида, у— ўзбек, мен— доғистонлик ва кўпмиллатли адабиётимизнинг барча вакиллари ўзини ўз уйидагидек ҳис этган пойтахтда бўлганлиги ҳам рамзий маънога эга. Кейин биз тез-тез учрашиб турдик, Тошкентда Оснё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси вақтида, менинг Тошкентга қилган бошқа сафарларим чоғида анча ҳамсуҳбат бўлдик. Айниқса, Шароф Рашидович Озодлик ороли — Кубага борган СССР давлат ва жамоат арбоблари делегациясига раҳбарлик қилган кунлардаги бизнинг биргаликдаги сафаримиз хотирамда яхши сақланиб қолган.

Яқингинада эса Шароф Рашидов менга, Махачқалъага ўзининг сўнгги китоби — ажойиб «Дил амри» қиссасини ҳадянома дастхат билан юборган эди. Қисса тез орада авар тилига таржима қилинади. Бу, бизнинг, ижоди бутун мамлакатимиз ва планетамизнинг кўпгина бурчакларида бўлгани каби Доғистонда ҳам жуда севимли бўлган Шароф Рашидович хотирасига ҳурматимиз рамзидир.

Ўзбек халқи Шароф Рашидович Рашидов каби ўзининг бутун ҳаётини тўлалигича халқ хизматига бағишлаган ажойиб инсонларни камолга етказганлиги билан ҳақли равишда фахрлана олади.

Унинг ҳаёти — бизнинг ҳаммамиз учун намуна. Биз ҳамиша бизнинг қалбларимизда яшайсиз, ҳамиша биз билан биргасиз, Шароф Рашидович!

ТЕМИР ЙЎЛДА БАЙРАМ САЙРИГА

Ленин комсомоли номидаги марказий оромгоҳда темир йўлда байрам сайрига тараддуд қизғин. Шу куни одатдаги сайр ишқибозларидан ортиқ тепловоз машинистлари — Тошкент Болалар темир йўли ўқувчилари ҳам йиғилишади. Улар йил давомида бу гавжум масканда ўз тенгқурларига хизмат кўрсатиш билан бирга тепловозни бошқариш, проводник ва станция навбатчиси вазифаларини ўргандилар, стрелкачилик, радистлик касблари сирлари билан танишдилар. Ўқувчилардан Мухтор Мўминов, Артур Муҳсимов, Павел Амелин кабилар эса ўз касбини усталари эканликларини намойиш этдилар.

Оромгоҳдаги болалар темир йўли бундан 40 йил муқаддам ишга туширилган эди. Унинг умумий узунлиги 1700 метр бўлиб бу ерда 2 та тепловоз ва 7 та вагон болалар хизматида. Йил давомида 44 мингдан ортиқ пионер ва ўқувчи тепловозда сайр қилади.

Байрам сайри билан болалар темир йўли хизматига якун ясалади. Тепловоз ва вагонлар ёш мутахассислар томонидан ремонт қилиниб, янги мавсум бошлангунига қадар оромгоҳда ором олади.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Қалбимиз мулки

(МАДҲИЯ)

Инсон учун ҳаётда энг гўзал, энг мўътабар, энг муқаддас онадир. Ҳар қандай тирик жонзотнинг биринчи мураббийси ҳам унинг онасидир. Биз, табаррук онахон деб атайдиган онахонлар ўн ва ундан ортиқ фарзандининг феъл-атворига қараб муомала қилган кўнгли кенг, меҳригиё онахонлардир.

Шундай табаррук онахонлардан Бешқайрағоч массивида истиқомат қилувчи Робияхон онамиз 80 ёшга тўлдилар.

Пиру-бадавлат бу хонадонда аҳиллик, тотувлик, бир-бирига меҳр-оқибат ҳукм сурмоқда. Буларнинг ҳаммаси Робияхон онахонимизнинг тарбияларидан. Мен тааҳжуб ва ҳаяжон билан сўрайман:

— Фарзандлариз, невараларизнинг ҳаммаси 65 невараю, 25 эвара, ахир уларнинг ҳаммасининг исмларини адаштирмай қандай эслайсиз?

Онахон майин жилмайиб:

— Шундай боласига қараб, она-отаси кимлигини биламан, — деднлар.

Онахон ҳовлиларида 5 онла бир бўлиб яшашар, улар катта қозон осишар, тоғ-тутганларини онахон билан бамаслаҳат бажарар кўришар экан. Юзларидан нур ёғилиб турган Робияхон онани тарбиялаган фарзандлари турли соҳаларда элга сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Бир неча набиралари олий ўқув юртларини тамомлаб, юқори малакали кадр бўлиб етишишган.

Она! Шу бир сўз заминида қанчадан-қанча мазмун, зебо борлиги ўйлаб кўринг-а! Мана, Робия она 80 ёшда бўлсалар-да, ўғилларини ишдан яхши келсин деб, эшикка кўз тикиб ўтирадилар. Армия сафида хизмат қилаётган 4 набиралариданмактуб кутадилар. Ўзларича тансиқ овқат пишириб ўғил-қизлари оғзига тутадилар. Ҳар бир лаззатли, яхши нарсани жигаргўшаларига тутадилар.

Она!... Ҳа, она қалби бамисоли қуёш. Шунинг учун ҳам фарзандлар юлдузлардек она атрофида чарақлайдилар.

Оналаримиз ҳаётимиз кўзгуси, дилимиз чироғидир. Ҳар қандай инсон энг қувончли онларида ҳам, энг оғир дақиқаларда ҳам беихтиёр она деб нола қилади. Бу ҳаёт нидоси! Табиат ўз қонунига кўра оналарни ҳам оталардек улуғ қилиб яратган. Оналар қалбимизнинг буюк мулки.

Оналар бор бўлинг, меҳр чашмангиз мангу тугамасин!

О. КАРИМОВА, инженер-технолог.

• САНЪАТ ОЛАМИДА

ТОМОШАБИН РОССИНИ

Опера жанрида катта муваффақият қозонган буюк итальян композитори, дирижёри, Джоаккино Россини (1792—1868) буюк санъат соҳиби, Австрия композитори Моцартнинг «Дон-Жуан» операси намойишида томошабин сифатида ўтирарди. Ундаги асосий партиялардан бирини машҳур қўшиқчи Рубини ижро этарди.

Қаторда ўтирган аллақандай ўспирин йигит артистга жўр бўлиб анчагина баланд овозда хиргойи қилиб томошабинлар ғашига тегарди.

Ниҳоят, Россини бардош беролмади.

— Одам ҳам шунчалик безбет бўладими?

— Сиз буни менинг шаънимга айтаётибсизми? — сўради ўспирин.

— Йўғе, йўғе, худо сақласин, — деди композитор сўзида давом этиб: — Мен буни сизнинг овозингизни тинглашга ҳалал бераётган анави овсар Рубини шаънига айтдим...

Р. НЕЪМАТОВ.

• Ҳамшаҳарларимиз хизматига

ТОШКЕНТЛИКЛАР УЧУН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги арафасида бир қанча ошхона ва кафелар ҳамшаҳарлар и м и з хизматига топширилди. Фарғона қурувчилари серқуёш республикамиз пойтахти меҳнаткашлари учун жуда ажойиб, кўркам кафени қуриб битказишди. Собир Раҳимов районида биринчи бор хўрандалар қабул қилган янги «Фарғона» кафеси ўзининг ташқи ва ички кўринишининг ниҳоятда гўзаллиги, дид билан ишланганлиги билан барчанинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Бу ерда бир йўла юз хўрандага хизмат кўрсатилади.

Тошкент трактор заводида эса янги кафе-автомат завод меҳнаткашлари учун хизмат қила бошлади. Бу ерда қимматли вақтингизни кетказмасдан махсус жетон орқали бутерброд, ҳар хил шарбатлар ва муздек ичимликлар ичишингиз мумкин.

Ленин проспекти ва Ҳамза районида 150 ва 200 ўринли янги кўркам ошхоналар байрам арафасида ҳамшаҳарларимиз хизматига топширилди. Бу ерда Европача ва миллий таомлар тайёрланади.

«Таштек с т и л ь м а ш» заводи коллективига эса яна бир қулайлик яратилди. Ана шу корхона яқинидаги Б. Хмельницкий кўчасида ярим тайёр маҳсулотлар билан ва ширин-шакар қандолатлар билан савдо қилувчи магазин фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: «Фарғона» кафеси.

• Ҳар тўғрида

ТЎРТ ЮЗ МЕТРЛИК ЎРИНДИҚ

Японияда Обихиро боғида жаҳонда энг улкан скамейка— ўриндиқ ясалди. Уни 300 ҳашарчи-дурадгор усталар бир ҳафтада битказишди.

Ўриндиқнинг умумий узунлиги 400 метрга тенг.

ШИЛЛИҚҚУРТ-НИНГ РЕКОРДИ

Венесуэла шаҳрида энг тезкор шиллиққуртлар мусобақаси ўтказилди. Бу махсус мусобақада Аргентинадан келтирилган шиллиққурт энг тезкор деб топилди. Ғолиб 51 сантиметр масофани 5 минуту 22 секундда босиб ўтиб, янги жаҳон рекордини ўрнатди.

ЭНГ КЕНГ ВА ЭНГ ТОР

Ер юзидаги энг кенг кўча Бразилия шаҳрида, унинг кенглиги 300 метр. Энг тор кўча— Амстердамда. Бу кўчанинг эни атиги 81 сантиметрга тенг.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

• ҚИЗИҚ ГАПЛАР

ИСМИНИ АЙТАДИГАН ТЮЛЕНЬ

Американинг Бостон шаҳридаги акварнумга ташриф буюрувчиларни Гувер лақабли тюлень: «Аҳволларингиз яхшими!» — деб қизғин салом билан кутиб олади. У ўз исмини айтиб таништиради. Бироқ ташриф буюрувчиларни қўққисдан эсанкиратиб хитоб билан: «Бу ердан туёғингни шиқиллат!» — дейиши ҳам мумкин.

Ўткир йўғон овоз билан гапирувчи мазкур тюлень зоолог ва зоопсихологлар ўрганувчи манбага айланди. Уларнинг фикрича, Гувер инсон овозини қабул қилувчи ва такрорловчи дунёда энг биринчи сут эмизувчидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Гувер тўтилардан яхшироқ сўзлайди. «Уч-тўрт йил аввал тюлень одам овозига ўхшаш товуш чиқара бошлади, —деб ташриф буюрувчиларга акварнум ходимаси тушунтиради. Бироқ, мазкур ўн ёшли тюлень талаффузи сўнгги ойлардагина аниқ бўлди».

Гувер кайфияти кўтаринки пайтларда таклифсиз ўз хоҳишича сўзлайверади. Тўғри, унинг сўз бойлиги чекланган.

ОЛИФТА ҒОЗ

Тюшино қишлоғида (Смоленск области) истиқомат қилувчи А. Гурьянов рафиқасига «зиракли ғоз» келтирди. У ғоздан тушлик таом тайёрлаётганида парранда ошқозонидан зеб-зийнат буюмини топиб олди. Қўшнилардан топилма кимники эканлигини сўраб-суриштирилди. Бироқ эгаси топилмади.

Маълумки, паррандалар майда тошларга ўч бўладилар, ҳакка, оладарғ, каклик ва ғозлар эса ярқироқ буюмларга бефарқ бўлмайди. Одатда Тюшинода сайр қилиб юрувчи паррандалардан бўлган мазкур ғоз ҳам кимнингидир дарё бўйида тушириб ёки унутиб қолдирган искрғасини паққос туширган.

АСАЛАРИ АГРОНОМИ

Ёввойи асаларилар бедани аъло даражада чанглайди. Чуваш колхози— «Ленинская искра» бедани уруғлик учун етиштиради. Шунинг учун бу ерда меҳнаткаш ҳашарот учун барча шароит яратилган.

Ёввойи асаларилар яшаш жойида чорва моллари боқилмайди, кимёвий ўғитлардан фойдаланилмайди. Асаларилар учун кўп йиллик ўтлар қияликларга экилади ва асал берувчи бута дарахтлари билан ўралади ва инлар қўйилади. Шу боисдан яқинда ишга қабул қилинган колхоз агрономэнтимологининг юмушлари етарли.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

Редактор Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

7 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИ

9.00 «Время». 9.40 «Лолалар ҳақида қўшиқ». Мультфильм. 9.50 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.45 «Улуғ Октябрь» Совет шоирларининг шеърлари. 11.15 СССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. 12.45 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. Намойиш тугагач — (15.00) Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори иштирокида пионерларнинг байрам концерти. 15.30 «Тонг саҳарда». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.

16.40 «Цирк майдонида». 17.40 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». «Бир бор танланган йўл». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. 2-фильм. «Учрашув». 18.40 Мультфильмлар: «Оловли йиллар қўшиқлари». «Октябрь марши», «Будёновка». 19.15 «Голубой огонёк»нинг байрам сони. 21.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.45 «Фигурачилар мавсумни бошлайдилар». 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Қаҳрамон шаҳарлар ҳақида қўшиқлар». Концерт. 10.15 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар: «Капитан», «Кўз кўриб, қулоқ эшитганми?» 11.10 «Ешлар адреслари». 11.55 «Аврора». Мультфильм. 12.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Сула — тундра дарёси», «Наурузум қўриқхонаси». 12.45 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. 15.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.20 А. Арбузов. «Тонгдаги шаҳар». Фильм-спектакль.

17.35 Киноконцерт. 18.20 «Цемент». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Социалистик мамлакатларнинг ҳужжатли фильмлари: «Карлови Вари бўйлаб сайр» (ЧССР), «Вьетнам лавҳалари» (ВСР), «Бранденбург маркаси музейи» (ГДР). «Калофер тўрлари» (БХР). 21.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.45 «Бир полк созандалари». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

9.45 ТОШКЕНТ. В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. Кўрсатув тугагач — «Жажжи юлдузлар». Фильм-концерт.

12.45 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Бизнинг бахтли болаликимиз». Адабий-музикали композиция. 18.55 «Мультипанорама». 19.40 «АХБОРОТ». УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 20.20 «Табрикларимизни қабул этгайсиз». Музикали байрам программаси. 21.30 МОСКВА. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ. 22.45 «Табрикларимизни қабул этгайсиз». Музикали байрам программасининг давоми. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

9.00—18.20 МТ II.

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Менга қўшиқ ишониб топширилган». Фильм-концерт. 19.30 «Олтин тўй». Телевизион фильм. 20.10 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Ўт ичида». 3-серия. (рус.). 21.30 МТ II.

8 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 Янгиликлар. 9.20 «Жаҳон халқларининг ижоди». 9.40 Мультфильмлар: «Простоквашинодаги таътиллар», «Салом, Трям!». 10.20 «Октябрь поэмаси». Музикали-шеърий композиция. 11.00 Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари —1983 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 12.00 «Қувноқ нотачалар». Ёш вокалистлар концерти. 13.00 «Совет тупроғидаги учрашувлар». 13.15 Болалар учун фильм. «Нуканинг саргузашти». 14.30 «Саёҳатчилар клуби». 15.30 «Мен меҳнаткаш халқ фарзанди». Телевизион бадиий фильм премьераси. В. Катаевнинг шу номли повести асосида. 1- ва 2-сериялар.

17.45 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифадари». «Бир бор танланган йўл». Кўп серияли телевизион фильм премьераси. 3-фильм. «Етуклик». 18.45 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1983 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 20.00 «Транссибирь экспресси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Спорт сеҳргарлари». Бадиий гимнастика ва синхрон сузиш усталарининг чиқиши. 22.35 «Менинг Фрац Легарим». Телевизион музикали спектакль премьераси. 23.20 «Футбол шарҳи».

23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 9.50 Воронеж область қўшиқлари. 10.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Баскунчак». «Абава». 10.40 «Исёнкор «Орион». Бадиий фильм. 12.00 «Ҳужжатли экран». 13.00 «Калевал ўлкасида». Карелия телевиденнесининг программаси. 14.00 «Қўриқхона». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.10 Украина ССР ҳунар-техника таълими бадиий коллективларининг концерти. 15.10 Мультфильмлар: «Шалпанг қулоқ», «Айинча қачон уйқудан уйғонади». 15.40 М. Раухвергернинг «Қизил Шапкача» операси. Москва Давлат болалар музикали театрининг спектакли. 17.00 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал. 17.20 «Музика ҳамма учун». 18.25 «Балли, йигитлар!» Спортнинг ҳарбий-техника турлари бўйича мусобақалар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Екатерина Воронина». Бадиий фильм. 23.40 Концерт.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Соат юриб турганда». Бадиий фильм. 11.30 СССР Ички ишлар министрлиги Ички қўшинлари ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 12.40 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

15.55 Кўрсатувлар программаси. 16.00 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Х. Раҳматуллаев хотираси совғини учун футбол бўйича Бутуниттифоқ ўсмирлар турнири. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Пахтакор» олимпия резерви ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактаби футболчиларининг кўргазмали чиқишлари. 17.25 «Куз ингъомлари». Телевизион фильм. 17.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Сиздан угина, биздан бугина». Кинокомедия. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Умидсизланманг». «Ҳужжатли фильм премьераси». («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Сени куйлайман». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғ. Еқубов иштирокида музикали видеофильм. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

II

9.00—17.20 МТ II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Ирисгоннинг рақс оҳанглари». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Жонли тош». Телевизион фильм. 18.45 «Нечипоровка табассумлари». Фильм-концерт. 20.00 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Биз сенга ёрдам берамиз». 4-серия (рус.). 21.30 МТ II.

9 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.40 «Вир полк созандалари». Бадиий фильм. 12.00 А. Хачатурян. «Спартак» балетига -ёзилган куйлардан парчалар. 12.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 13.15 Янгиликлар 15.00 Янгиликлар. 15.20 Илмий-оммабоп фильм. 15.40 «Драматургия ва театр».

16.30 «Истеъдод». СССР халқ ўқитувчиси Ю. Н. Черненко ҳақида телевизион очерк. 17.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.30 Болалар учун фильм. «Набираларга аталган қўшиқлар». 18.45 «Стадион ҳамма учун». 19.15 «Дарё ёқалаб». Мультфильм. 19.30 В. Кикта. «Рус миниатюралари». 19.50 Фан ва техника соҳасида 1983 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 20.40 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Совет милицияси кунига. «Касбга бағишлов». Ешларнинг милиция илғорлари ва ветеранлари билан учрашуви. 00.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Шимол синови. Уренгой учрашувларидан». «Бригада ҳаётидан бир неча кун». 10.20 Немис тили. 10.50 Ж. Вердининг «Макбето операсидан саҳналар. Ригадан олиб кўрстилади. 11.15 «Вилимимиз—қудратимиз». Телевизион журнал. 12.00 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 14.20 «Манғишлоқ: биография давом этади». 14.35 «А. С. Макаренко—педагог, ёзувчи, граждан». 15.25 «Қишлоқ янгиликлари». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 И. Пахельбель асарини Брно шаҳар камер оркестри чалади (ЧССР) 19.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.00 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Поэзия». М. Ю. Лермонтов. 21.30 «Время». 22.05 «Иванцов, Петров, Сидоров». Бадиий фильм. 23.35 А. Твардовский. «Поэмалар».

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Асса». Болалар учун фильм-концерт. 11.50 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Спорт, спорт, спорт» Кинопрограмма. 18.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Пахта» Комплекс программаси». «Муаммолар, изланишлар, ечимлар». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Композиторлар — пахтакорларга». 21.30 «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Оловли йўллар» серийлари давом этади». Кинокўрсатув (рус.). 23.40 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.30 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Океандаги орол». Телевизион фильм. 18.30 «Қишлоқ ҳаёти». (рус.). 18.50 «Шарқ фантазияси». Телевизион фильм. 19.10 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш —умумхалқ иши». 19.40 Янгиликлар. 20.00 «Революция туфайли туғилган» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Олти кун». 5-серия (рус.).

10 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Етти тепаликда». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.10 «Моҳир қўллар». 10.40 «Саёҳатчилар клуби». 11.40 «Мен ва музика ўртасида» (Маяковский ва музика). Фильм-концерт. 12.40 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар.

16.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Миллионларга мерос». 16.30 И. Брамс. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 17.25 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига». 17.55 «Ешлар адреслари». 18.15 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 «Бугун — Совет милицияси куни». СССР Ички ишлар министри В. В. Федорчук сўзи. 20.00 П. И. Чайковский. 1-квартет. 20.30 Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 23.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «XXI асрнинг касби». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Ерда ҳаёт учун ҳавонинг аҳамияти. 9.55 «Теберда, қўриқхона жойлар..». Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.30 Испан тили. 11.05 «Хушоҳанг овозлар». 11.35 ва 12.40 Физика. 9-синф. Кристалларнинг хоссаси ва хусусияти. 12.05 «Онамларнинг мактаби». 13.10 Табиатшунослик. 2-синф. Кузда колхозда. 14.00 «Режиссёрлик санъати». 1-кўрсатув. 14.45 «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм, субтитр билан. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фестивваллар... Конкурслар... Концертлар...». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 «Жонажон ўлкамда». Фильм-концерт. 21.00 «Эркин мавзуда ёзилган иншо». Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳам тун, ҳам тонг эди». Бадиий фильм. 23.30 «Китоб ишларининг устаси». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 60—70-йилларда Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши (рус.). 12.00 «Шаҳримиз ҳақида қисса». Телевизион фильм. 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 60—70-йилларда Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». Жаҳон ёшлари кунига бағишланган кўрсатув. 19.00 «Бугун — Совет милицияси куни». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Н. Иброҳимов иштирок этади. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Катта дара». Телефильм. 19.55 «У юракдан чизарди...» Надя Рушева чизган расмлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Милиция ходимларининг талабларига биноан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «М. Йўлчиева куйлайди». Фильм-концерт премьераси. 23.15 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Болдино жозибаси». Пушкинга бағишланади. 18.50 Врач маслаҳати. 19.05 Реклама. 19.10 «Китоб дўстлари» (рус.). 19.40 Янгиликлар. 20.00 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Имтиҳон». 6-серия (рус.).

11 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мактаб ўқувчиларининг «Советская Россия» газетаси қутб экспедицияси қатнашчилари билан учрашуви. 10.40 «Екатерина Воронина». Бадиий фильм. 12.10 «Березка» рақсга тушади». 12.55 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар. 15.55 «Сенинг талантларинг, ҳунар-техника билим юрти». Концерт. Хабаровскдан олиб кўрсатилади.

16.35 Анголанинг миллий байрамига. Киноочерк. 17.00 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни». 17.30 «Рус тили».

18.00 «Қувноқ стартлар». 18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 И. Штраус. «Гўзал мовий Дунайда». Вальс. Вена симфоник оркестри чалади. 19.40 «Каккунинг сири». Мультфильм. 19.50 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.20 «Инспектор Лосев». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Панорама». 00.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Хотира ҳақида икки ҳикоя». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Г. Х. Андерсен эртаклари. 4-синф. 10.05 ва 13.55 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Одамнинг пайдо бўлиши. 11.35 ва 12.40 Музика. 6-синф. Д. Д. Шостакович. 12.05 Табиатшунослик. Хатларга жавоблар. 13.10 Ботаника. 6-синф. Уруғ ва ҳосил. 13.30 Зоология. 7-синф. Балиқларнинг ривожланиши. 14.25 «Режиссёрлик санъати». 2-кўрсатув. 15.10 «Республиканинг бош шифохонаси». Молдавия ССР республика клиник касалхонаси ҳақида. 15.35 М. Исаковский поэзияси. 16.15 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 Халқ куйлари. 19.30 «Ҳаводан ҳам енгил». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Оқшом тароналари». 21.30 «Время». 22.05 «Красноярск». Ҳужжатли фильм. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сибирь» — МАСК. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 24.00 Балет артистларининг концерти.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 География. Вулқонлар, гейзерлар, иссиқ булоқлар. 12.00 «Қишлоқ Совети раиси». Телевизион фильм. 12.30 Биология. Яшаш учун кураш ва табиий танлаш. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 13.40 «Пятницкий кўчасидаги қаҳваҳона». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма. 18.50 «Езувчилар — болаларга». Н. Носов. Туғилган кунининг 75 йиллигига. 19.20 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». Меҳнат ветерани, СССР Давлат мукофотининг лауреати, «Узсельхозтехника» тажриба ремонт-механика заводи токари М. Маҳмуджонов ҳақида телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Катталар учун мультфильм. 20.05 «Оқ олтин» ўлкасида». Рассомлар —пахтакорларга. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Саҳна санъати усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева. 23.55 Янгиликлар.

II

9.00—16.20 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Кичик ҳикоялар учун сюжетлар». А. П. Чеховга бағишланган илмий-оммабоп программа. 18.50 «Шеърият дафтаридан». 19.20 «Биз ҳаммамиз — пахтакормиз». 19.50 Янгиликлар. 20.10 «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм «20-га ўтар кечаси». 7-серия (рус.). 21.30 МТ II.

12 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «Буратино кўргазмаси». 10.05 «Спортолото»нинг 46-тиражи. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.10 «Бадиий академия — 225 ёшда». 12.00 «Поэзия». А. Межиров. 13.00 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Киев учун жанг қатнашчиларининг учрашуви. 14.30 «Фан ва турмуш». 15.15 «Дунё воқеалари». 15.30 А. Бородин. Туғилган кунининг 150 йиллигига.

16.45 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.15 «Ҳайвонот оламида». 18.15 «Москва бўйлаб саёҳат. Икки Арбат». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Мультфильмлар: «Маугли», «Айёр қарга». 19.00 «Инспектор Лосев». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 20.10 Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — «Спартак». Киевдан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.35 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 10.05 Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. «Иш устасидан қўрқади». 11.05 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 12.20 «Бизнинг қишлоқлик доктор». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.10 «Саёҳатчилар клуби». 14.10 «Янгирма тўртинчи кун кечаси». Илмий-оммабоп фильм. 14.25 «Театр учрашувлари». 15.50 Болалар учун фильм. «У ҳақиқий карнайчи эди». 17.00 «Музикали киоск». 17.30 «Партия ҳақида ҳикоялар». «Бу менинг қалбимда эди...». 18.20 Москва. Консерваториянинг катта зали. Программада Н. Паганини асарлари. 20.15 «Халқаро обзор». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 Ҳолва таъми». Бадиий фильм. 23.10 «1983 йил қўшиқлари». Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 «Невский проспекти бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Пахтазорда учрашув». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.10 «Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати В. Державин» (рус.). 11.40 «Бугун — Пропагандистлар куни». 12.10 «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 13.30 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор». 14.30 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ака-ука Щерқўзиевлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Эртага —премьера». Кинокўрсатув. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—17.30 МТ II.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Октябрятлар учун. «Ситорача». 18.30 «Бизнинг шарқ». Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.00 «Новости». 19.25 «Театр учрашувлари». 20.00 «Ахбор». 20.25 Телефильм. 20.40 «Санъат усталари». Жўрабек Муродов. 21.30 МТ II.

13 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Латофат сабоқлари», «Командировка». 10.20 «Тогларга таклиф». Концерт. Нальчиқдан олиб кўрсатилади. 10.50 «Будильник». 11.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.20 «Здоровье». 13.05 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 13.35 «Совет тупроғидаги учрашувлар». 13.50 «Қишлоқ янгиликлари». 14.50 «Музикали киоск». 15.20 Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. Франциядан олиб кўрсатилади. 15.50 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.

16.20 «Саёҳатчилар клуби». 17.20 «Онам мени бахтли қилиб туққан». Телевизион бадиий фильм. 18.35 Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. Франциядан олиб кўрсатилади. 19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Инспектор Лосев». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Анна Вески ва Тинис Мяги куйлайди». Таллиндан олиб кўрсатилади. 22.35 Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. Португалия — СССР терма командалари. Португалиядан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «...соатлар мамлакатига». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.40 «Ўсмирлар ижоди». 10.20 Спорт ҳақида телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.50 «Горизонт» халқ вокал-ансамблининг концерти. Донецкдан олиб кўрсатилади. 11.20 «Ҳужжатли экран». Киноилова. «Биз енгилмаймиз, биз шу йўлдан борамиз». 12.20 «Асли болаликдан». А. Платонов. «Илк ёшлик тонгида». 13.20 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 14.25 «Русские узори» халқ чолғу оркестри чалади. 14.50 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. («Ўзбекфильм»).

15.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.25 Пианиночи Данг Тхай Шон (Вьетнам). 17.30 «Инсон — замин соҳиби». 18.15 СССР халқ артисти Е. Образцова концерти. 19.05 Мультфильмлар: «Айболит ва Бармалей», «Миёв» деган ким?». 19.30 «Горькийликларнинг музикали ҳаёти». Горький шаҳридан олиб кўрсатилади. 20.20 «Мангу двигатель». Илмий-оммабоп фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Эрмитаж». 21-фильм. «Шарқ мамлакатларининг санъати». 21.15 «Москва бўйлаб сайр». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Мен кутаман». Телевизион бадиий фильм. 23.25 П. И. Чайковский. 4-симфония.

Ўзбекистон телевиденнесининг иккинчи программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «5 «Б»даги галати бола». Бадиий фильм. 11.40 Мультфильм. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.10 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 13.35 «Ўзбекистон спорти». Кўрсатувда халқаро гроссмейстер Г. Аъзамов иштирок этади. 14.15 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 14.55 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт. 18.50 «Кинофантазия». Грузия телевиденесининг кўрсатуви. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденеиси ва радиосининг солистлари М. Алимова ва Л. Макеев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Санъат усталари — ҳосил усталарига».

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—15.55 МТ II.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран — болаларга. 16.30 «Эртак бизнинг меҳмонимиз». «Ақлли буюмлар». Телевизион бадиий фильм. 17.40 Ўш кўрсатади. 18.50 Милиция ходимларига бағишланган концерт. 19.30 Москва. «Халқаро панорама». 20.15 Фрунзе шаҳрида ўтказиладиган СССР ДОСААФ лотереяси навбатдаги ютуқлар тиражига доир. 20.40 «Чўққи сари». Телефильм. 21.00 «Ўз шаҳрингни сев». 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА НОЯБРЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

6 да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (19.30).
7, 8 да— БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ.
9 да —ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00), СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА (19.30).
10 да — МОМАҚАЛДИРОҚЛИ КУНЛАР (премьера).
11 да — СПАРТАК.
12 да —КНЯЗЬ ИГОРЬ.
13 да —СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН (12.00), ЧИО-ЧИО-САН (19.30).
15 да —ФЛОРИЯ ТОСКА.
16 да —ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ.
17 да— ДИЛОРОМ.
18 да — СЕВГИ ТУМОРИ.
19 да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
20 да— ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМ ЧИРОҒИ (12.00), УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ (19.30).
22 да — ФАУСТ.
23 да —ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
24 да— ДОН КАРЛОС.
25 да —ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ.
26 да— ПЕТР 1.
27 да — ЖИЗЕЛЬ (12.00), МОМАҚАЛДИРОҚЛИ КУНЛАР (19.30).
29 да — ТРАВИАТА.
30 да — НАВРЎЗ.
Билетлар сотилмоқда.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 да

ҚАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрригиконкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ—ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Гулсара ЕҚУБОВА

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Ўктам АҲМЕДОВ, Фируза СОЛИҲОВА, Фируза МИРҲАМИДОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА, Нурилла ЖУМЕЗОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

**Программани — Тожиддин АБДУ